

№23
(1457)
2023 YIL
15-IYUN

O'ZBEKISTONDA SOG'LIQNI SAQLASH

ЗДРАВООХРАНЕНИЕ
УЗБЕКИСТАНА



IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA ♦ 1995 YIL OKTYABR OYIDAN CHIQA BOSHLAGAN

ТИББИЁТДА ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯ

РОБОТ-ХИРУРГ ЁРДАМИДА БАЖАРИЛАЁТГАН ОПЕРАЦИЯЛАР ОММАЛАШТИРИЛАДИ

Ҳозир дунё бўйича мураккаб онкологик касалликларни даволашда фойдаланилаётган робот-хирурглар сони 5 мингтага етган. Шундан қарийб ярми — 2 470 таси АҚШда. Яқинда Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазир-

лиги делегацияси Қўшма Штатларга хизмат сафари чоғида худди шу йўналишда Американинг нуфузли университетлари билан ҳамкорлик истиқболларини муҳокама қилган эди.



Мана, орадан санокли ҳафта-лар ўтиб, эришилган ушбу муҳим келишувлар ўз амалий натижаларини бера бошлади. Хусусан, АҚШнинг Пенсильвания штати, Филадельфия шаҳрида жойлашган Темпл университети клиникаси ҳамкорлик учун ўз эшикларини очди. Юқори рейтинг кўрсаткичлари, 125 йиллик тажриба ва 750 ўрин-жойга эга ушбу йирик ҳамда нуфузли муассаса онкоурология йўналишидаги инновацион муолажа усуллари билан машҳур. Хусусан, бу ерда юқорида сўз юритганимиз робот-жарроҳлардан 8 таси мавжуд. Улар ёрдамида кунига 10-15 та мураккаб операция муваффақиятли бажарилмоқда. Аслида, мазкур технология Ўзбекистон учун ҳам янгилик эмас. Ўтган йили Корея Республикасининг “Meere” компанияси томонидан ишлаб чиқарилган “Revo-i” русумли робот-хирург илк бор мамлакатимизга олиб келиниб, пойтахтимиздаги “Shox International Hospital”га ўрнатилган эди. Орадан 9 ойга яқин вақт ўтиб, нафақат юртимиз, балки Марказий Осиёда ҳам ноёб бўлган ушбу робот-жарроҳ орқали 84 нафар бемор инновацион усулда оғир дарддан халос бўлди.

Мамлакатимиз тиббиёти тарихида илк бор “темир шифокор” ёрдамидаги операцияларни бошлаб берган

ва мазкур технологияга операторлик қилган онкохирург Зарифхўжа Баходирхонов ҳозир АҚШнинг Филадельфия шаҳрида. У Темпл университети клиникаси таклифига биноан ушбу тиббиёт муассасасида давлат ҳисобидан малака оширмоқда. Мутахассис замонавий хирургик технологиялар бўйича шу пайтгача Италия, Германия, Хитой ва Туркиянинг нуфузли клиникаларида тажриба орттирган. Қолаверса, Соғлиқни сақлаш вазирлиги кўмағида айнан “Revo-i” робот технологияси бўйича Кореяда икки марта билим ва маҳоратини бойитиб қайтган.

– Роботнинг жарроҳлик асбоблари кичик ўлчамли бўлиб, инсон қўлига қараганда анча катта диапазонда эгилиб, айлана олади, – дейди **Зарифхўжа Баходирхонов**. – У орқали бажариладиган онкологик амалиётлар ўсимта яна такрорланмаслиги учун уни бутунлай олиб ташлаши, асаб тугунларига ва бемор ҳаёти учун муҳим бўлган бошқа органларга таъсир қилмаслиги, минимал кон йўқотиш билан кечини, беморнинг амалиётдан кейинги тикланиши ҳамда буткул соғайишини тезлаштириши билан катта аҳамиятга эга. Мутахассис хулосасига кўра, Ўзбекистонда роботхирургиянинг тараккий этиши икки омилга боғлиқ. Биринчиси – технологияни

бошқара оладиган мутахассислар тайёрлаш бўлса, иккинчиси – мамлакатимиз тиббиётида роботлар сонини орттириш. Бу борада дастлабки қадам ташланган. Эндиги вазифа – робот билан бирга операция қилувчи кўп сонли хирурглар захирасини шакллантириш. Шунда бу инновацион технология онкология ва онкоурология йўналишларидагина эмас, миллий тиббиётимизнинг барча жабҳаларида фаол қўлланила бошлайди. Бу соҳада АҚШнинг Темпл университети клиникаси – муносиб ҳамкор. З.Баходирхонов бунга изоҳ берар экан, мазкур муассасадаги деярли барча мураккаб операциялар робот-хирург ёрдамида бажарилишини маълум қилди. Яна бир эътиборли жиҳати, университет клиникасида бундай кам инвазив муолажа усулини бошдан ўтказган беморларга операциядан 1 кун ўтиб, уйга жавоб берилар экан.

– Муассасадаги илғор тажрибани ўрганиш учун 87 та савол тайёрлаб келган эдим, – дейди **мутахассис**. – Ҳозиргача улардан 60 тасига жавоб топдим. Темпл университети клиникаси профессорлари Ўзбекистон тиббиётида робот технологиясидан фойдаланила бошлагани ва бу йўналишда бажарилаётган операциялардан яхши хабардор экан. Шу боис, юртимизда қисқа муддатда эришилган ютуқлар ҳақида жамоадошлари учун тақдимот ўтказиб беришни сўрашди ва бу борадаги саъй-ҳаракатларимизни юқори баҳолашди.

Сафар якунида Темпл университети клиникаси билан **робот-хирург технологиясини Ўзбекистонда кенг оммалаштириш учун ҳамкорлик меморандумини имзолашни режалаштирганмиз**. Бу келишув доирасида шифокорларимиз йилига 1-2 марта АҚШга бориб, малака ошириш имконига эга бўлади.

@ssvuz

ТИББИЙОТ ОЛАМИДА

ЭЪТИБОР БЕРИНГ:



Ўзбекистонда мактаб ўқитувчилари ва боғча тарбиячилари 1 ой давомида бепул соғломлаштирилади. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан 1 июльдан 1 августгача мактаб ўқитувчилари ва боғча тарбиячилари профилактик ва чуқурлаштирилган тиббий кўриклар ҳамда скринингдан ўтказилади. Текширув натижаларига мувофиқ, аниқланган касалликлар бўйича давлат кўмағида уларнинг саломатлигини тиклаш ва мустаҳкамлаш чоралари кўрилади.

“САЛОМАТЛИК ПОЕЗДИ” ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА



Хабарингиз борки, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ва “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди ҳамкорлигида Қорақалпоғистонга жўнатилган “Саломатлик поезда” минтақанинг чекка ва олис туманларига қадар кириб бормоқда. Унга юкланган 1,5 миллиард сўм миқдоридagi 5 тоннадан ортиқ дори воситалари тегишли тиббий кўрик натижаларига кўра ўз эгаларига топшириляпти.

Хусусан, Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази директори Муроджон Ирисметов бошчилигидаги етакчи шифокорлар гуруҳи Кегейли ва Бўзатов туманлари тиббиёт бирлашмаларида аҳолини чуқурлаштирилган тиббий текширувлардан ўтказишмоқда.

Бугунги сонда:




МЕҲНАТЛАРИ ХАЛҚАРО
МИҚЁСДА ЭЪТИРОФ
ЭТИЛАЁТГАН
ЎЗБЕК АКАДЕМИГИ

4



ИНСОНЛАРИ ҚАДР
ТОПГАН ЮРТ

5



БОЛАЖОНЛАР ҚАЛБИГА
ЙЎЛ ТОПИБ...

8

ИСЛОҲОТ ОДИМЛАРИ

ЯНГИДАН БУНЁД ЭТИЛАЁТГАН ШИФО МАСКАНИ

Шу кунларда пойтахтимизнинг Олмазор туманида Республика ихтисослаштирилган онкология ва тиббий радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг янги биноси бунёд этилмоқда. Жорий йилнинг 13 июнь куни Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятов ушбу комплекс ҳудудида бўлиб, қурилиш жараёнлари билан яқиндан танишди.

Таъкидлаш лозимки, Президентимиз ташаббуси билан бунёд этилаётган мазкур 8 қаватли замонавий бинони барпо этишда айни пайтда 1000 нафар курувчи иштирок этиб, ишлар жадал суратда давом этмоқда. Жорий йил фойдаланишга топширилиши режалаштирилган янги тиббиёт муассасаси 650 ўринли стационар, 100 ўринли кундузги

стационар ҳамда 500 қатновга мўлжалланган поликлиникадан иборат бўлиб, барча замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланади. Жумладан, 16 та операцион хона, 40 ўринли реанимация ҳамда трансплантация бўлимлари ва илмий лаборатория энг сўнгги технологиялар билан таъминланиб, интенсив терапия бўлимида беморлар учун юрак

мониторлари, ўпкани сунъий шамоллатиш мосламалари билан жиҳозланган консолли функционал ўринлар ташкил қилинади. Қолаверса, 9 та бункердан иборат радиотерапия арсеналининг ишга туширилиши орқали даво муолажаларининг узлуксизлиги таъминланади, – дейди Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятов.



14 ИЮНЬ — БУТУНЖАҲОН ДОНОРЛАР КУНИ

САЙЁР ДОНОРЛИКНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ЗАРУР

Ҳар куни дунё бўйича юз минглаб одам донор қонига эҳтиёж сезади. Айниқса, онкологик, гематологик касалликларга чалинган инсонлар, бахтсиз ҳодиса туфайли оғир тан жароҳати олган ва мураккаб операцияларга муҳтож беморлар ҳаётини сақлаб қолишда қон муҳим восита саналади. Донорлик эса қон ва унинг компонентларига муҳтож инсонлар учун беғараз кўмақдир.



қон қуйиш станцияси ҳамда 13 та қон қуйиш бўлимларида қон ва унинг таркибий қисмлари йиғилмоқда.

– ЖССТ тавсияларига кўра, аҳолини қон таркибий қисмлари билан таъминлаш учун қон топширишлар сони 1000 нафар аҳолига камида 10 нафар ёки аҳолининг 1 фоизини ташкил қилиши керак, – дейди Республика қон қуйиш маркази раҳбари, тиббиёт фанлари доктори Аълонур Саидов. – Юртимизда бу кўрсаткич ўтган 2022 йил 1000 нафар аҳолига қарийб 7,5 нафарни ташкил этди. Натижада ўтган йили 56030,0 литр эрмаса, 50996,7 литр плазма, 1598,8 литр тромбоконцентрат ва 4256 доза криопреципитат йиғилди. Албатта, бу кўрсаткични янада ошириш мумкин. Бунинг учун юртимизда сайёр донорликни ривожлантириш жуда муҳим. Айни шу мақсадда жорий йил Республика қон қуйиш марказининг ҳудудлардаги қон билан ишлаш хизмати муассасаларига 13 та кўчма донорлик комплекси – махсус жиҳозланган “Isuzu” автобуслари топширилди. Мазкур автобуслар махсус каравот, музлаткич, гемоконтейнер, ҳавони тозалашга мўлжалланган бактерияга қарши лампалар, кондиционер ҳамда ёриткичлар билан жиҳозланган. Унда бир вақтнинг ўзиде 3 нафар донордан қон олиш мумкин.

Шу ўринда Соғлиқни сақлаш вазирлиги юртимиздан беғараз донор бўлиб, ёрдамга муҳтож беморларга кўмак беришга чақиради.

@ssvuz.

2005 йил май ойида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Халқаро Ассамблеясида дунё давлатлари соғлиқни сақлаш вазирлари яқдиллик билан беғараз қон донорлигини қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги таклифни маъқуллаган эди. Шундан буён ҳар йили “14 июнь – Бутунжаҳон донорлар куни” сифатида кенг нишонланади. Жумладан, юртимизда ҳам. Таъкидлаш лозимки, бугун мамлакатимизда беғараз донорлик ҳаракатини ривожлантириш,

уни аҳоли орасида кенг тарғиб этиш, қон қуйиш станцияларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратиляпти. Айни пайтда Республика қон қуйиш маркази, Тошкент шаҳар “Қон препаратлари” ИИЧК, 13 та ҳудудий ва 2 та республика тасарруфидаги

НАЗОРАТ ВА ТАҲЛИЛ

МУАММОЛАР ЖОЙИДА
ЎРГАНИЛДИ

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тиббий хизматлар сифатини, стандартлар ва клиник протоколлар ижросини назорат қилиш бошқармасининг тизимдаги тиббий хизматлар сифатини назорат қилиш бўлими бошлиғи, бошқарма бошлиғи ўринбосари Бекзод Акилов бошчилигидаги ишчи гуруҳ аъзолари Сирдарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ходимлари ҳамроҳлигида Мирзаобод туман тиббиёт бирлашмасига ташриф буюрди.



Ташрифлари давомида туман ҳудудида истиқомат қилаётган, саломатлик кўрсаткичи бўйича юқори хавф гуруҳида бўлган фуқаролар саломатлиги билан боғлиқ муаммолар ўрганилди. Ва шу билан бирга Президент Администрацияси ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан берилган топшириқлар ижроси кўриб чиқилди. Аниқланган камчилик ва муаммолар юзасидан туман тиббиёт бирлашмаси тиббиёт ходимларга кўрсатма ва топшириқ бериш баробарида, соғлиғида муаммоси бор фуқаролар билан учрашиб, улар муаммолари тингилди. “Навбахор” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида истиқомат қилаётган Матлубахон

Мустафоева эндиgina 54 ёши қарши олди. Аммо, уни кўпдан буён ўтказилган полимиелит асорати қийнаб келарди. У ўз муаммоси юзасидан ишчи гуруҳ раҳбари ва аъзоларига муурожаат этди.

Энг муҳими, унинг муурожаати ижобий ечим топадиган, унга вилоят, республика миқёсидаги даволаш профилактика муассасаларида даволаниш, соғлиғини тиклаш учун йўланма бериладиган, бундан ташқари, оғир, асоратли касалликлар сабаб қийналган, аммо даволаш профилактика муассасаларида даволаниш учун имконияти йўқ беморларга ёрдам кўрсатиладиган бўлди.

Гуломжон ПРИМОВ.

ИСТЕЪДОД

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган 5 та муҳим ташаббуснинг биринчи ташаббуси доирасида ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Маданият ва туризм вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги ва Фарғона вилояти ҳокимлиги билан ҳамкорликда жорий йилнинг 25-27-май кунлари Фарғона вилояти рус драма театри саҳнасида ўтказилган “Талабалар театр студиялари” республика кўрик-танловининг финал босқичида илк бор қатнашган Самарқанд давлат тиббиёт университетининг “Абу Али ибн Сино издошлари” талабалар театр студияси жамоаси фахрли 1-ўринга сазовор бўлишди ва 60 000 000 сўм пул мукофотини қўлга киритишди.

“Ибн Сино издошлари” талабалар театр студияси жамоаси финалга қадар танловнинг вилоят босқичи яъни Самарқанд вилоятида 2023 йилнинг 3 апрелида, 3-минтакавий босқичида эса Хоразм вилоятида 2023 йилнинг 16 апрелида бўлиб ўтди.

Танлов босқичларида 160 тадан ортиқ олий таълим муассасалари турли жанрдаги саҳна асарлари билан қатнашган бўлиб, Самарқанд давлат тиббиёт университетининг “Ибн Сино издошлари” талабалар театр студияси жамоаси турк драматурги Тунжар Жўжанўгли қаламига мансуб “Кўчки”(психологик драма) спектакли билан



“Ибн Сино издошлари” омон бўлинг!

*Қучоқ очиб кутар омад йўлингиздан,
Юлдузчалар порлар ўнгу сўлингиздан,
Нурли йўлда ёнмоқ келар қўлингиздан,
“Ибн Сино издошлари” омон бўлинг!*

*Ватан дея ёнсин жўшиб юрагингиз,
Сутдан оқдир орзу, ният, тилагингиз,
Шу ватанда бордир сизнинг керагингиз,
“Ибн Сино издошлари” омон бўлинг!*

*Устозларнинг ўғитлари сизга қанот,
Нурли йўлда керак эрур сабру сабот,
Шунда оғу эмас, болни тутар ҳаёт,
“Ибн Сино издошлари” омон бўлинг!*

*Қулоқ тутинг ёниб турган дил аҳдига,
Тугёнлари тўлқин урган дил шаҳдига,
Хизр назар қилган бахтли эл бахтига,
“Ибн Сино издошлари” омон бўлинг!*

Умид қиламизки, университетимиз талабалари бундан юкори ғалабаларни қўлга киритадилар.

Азиза МАХМУДОВА.
Самарқанд давлат тиббиёт университети ижтимоий ва гуманитар фанлар кафедраси мудири, PhD доцент, университет бош мураббийси.

САЛОМАТЛИК УЧУН МОБИЛЬ ИЛОВА

САЛОМАТЛИККА ДОИР ДАСТУРИЙ ИЛОВАЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛОВЧИ ПЛАТФОРМА ЯРАТИЛДИ

Америкалик экспертлар гуруҳи саломатлик учун мўлжалланган мобиль илова ва электрон мосламалар самарадорлигини баҳоловчи “Evidence Defined” платформасини яратди.

Ушбу янгилик шифохоналар ва тиббий хизмат кўрсатувчи муассасаларга рақамли сервис қанчалик мос эканлигини аниқлашда ёрдам беради. Тадқиқот муаллифларининг таъкидлашича, тиббиёт соҳасида рақамли

маҳсулотлардан фойдаланиш кенг оммалашган. Ҳозир савдода 300 мингдан ортиқ саломатликка доир дастурий иловалар, қўл ва бўйинга тақилувчи 300 дан ортиқ мосламалар мавжуд. Улардан АКШ фуқароларининг ярмидан кўпи

соғлигини назорат қилишда кенг фойдаланмоқда. Аммо бундай мослама ва иловаларнинг сифати ҳар доим ҳам талаб даражасида эмас. Шу боис экспертлар гуруҳи бу борада 78 та тавсиялар тўплами-



ни таҳлил қилиб, рақамли хизматларни баҳолаш бўйича қўлланма яратди.

Ҳар олти ойда янгилаб турувчи мазкур платформа рақамли маҳсулотлар ва дастурий иловалар сифатини баҳолашда, аввало, унинг заиф томонларини кўрсатиб беради.

Намозжон ТОЛИПОВ.

ТИББИЁТИМИЗ ДАРҒАЛАРИ



Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби Шавкат Каримов 1966 йили Тошкент Давлат тиббиёт институтни тамомлаганидан сўнг Сирдарё вилоятининг Янгиер шаҳар шифохонасидан шифокор-жаррох сифатида меҳнат фаолиятини бошлаб, кейинчалик жаррохлик бўлими мудури лавозимларида иш олиб борди. У ерда Шавкат Каримов шифокорлик касбига меҳр қўйди, тажрибага эга бўлди, касбдошлари ва аҳоли ҳурматига сазовор бўлди.

Албатта, етук шифокор бўлиш учун тажрибанинг ўзи етарли эмаслигини тушунган Шавкат Каримов илмий изланишлар орқали ўз билим ва малакасини ошириши ҳамда етук мутахассис бўлибгина қолмай, балки олим сифатида улуг устозлари каби шаклланиши мумкинлиги англаб етди. Бу каби ўй-хаёллар уни 1969 йили Тошкент Давлат тиббиёт институти факультет хирургияси кафедрасига олиб келди. У илк устози, академик Ўктам Орипов раҳбарлигида илмий-педагогик фаолиятини бошлаб юборди. Олиб борилган кўп йиллик машаққатли меҳнат натижасида 1971 йилда у «Буйрак трансплантациясида антилимфоцитар глобулин ҳамда госсиполбарбитур кислотаси ёрдамида иммунодепрессив терапия» мавзусидаги номзодлик диссертация ишини муваффақиятли ҳимоя қилди. Устоз 1974-1977 йиллар мобайнида А. Бакулев номидаги юрак-қон томир хирургияси институти қон томир хирургияси бўлимида илмий хизмат сафарига бўлиб, Россия тиббиёт Фанлари Академияси академиги А. Покровский раҳбарлигида илмий изланишлар олиб борди. 1981 йили эса у «Қорин аортаси окклюзияларининг диагностикаси ва хирургик давоси» мавзусидаги докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. 1979 йилда Шавкат Каримов Тошкент Давлат тиббиёт институти 1-клиникаси базасида факультет ва госпитал хирургия кафедрасини ташкил этади ҳамда ушбу кафедрага қарийб 30 йилдан зиёд раҳбарлик қилиб келди, ҳозирги кунга қадар мазкур кафедрада фаолият юритиб келмоқда. Ушбу давр мобайнида Шавкат Ибрагимович ўз таркибига қатор ихтисослашган бўлимларни, жумладан, қон томир, рентгенэндоваскуляр, меъда-ичак, жигар ва ўт йўллари, торакал ҳамда шошилич жаррохлик бўлимларидан иборат клиникага асос солди. Академик Шавкат Каримов жуда кўп ишларнинг бошида турган ва «биринчи маротаба» ибораси кўпинча унинг номи билан чамбарчас боғлиқ эканлигини англаймиз. Ўтган асрнинг 70-йилларига келиб илк бор Ўзбекистонда қон томир хирургияси ривожлана бошлади ва устоз ушбу йўналишнинг илк қалдирғочлари сифатида тан олинади. У аорта ҳамда магистрал артерияларда реконструктив операцияларни клиник амалиётга тадбиқ этишда пешқадам олимлардан ҳисобланади. 1990 йилдаёқ устоз раҳбарлигида «Хавфли гуруҳ беморларида оёқлар оғир ишемиясини интраоперацион дилатацияли кичик реконструктив амалиётлар» мавзусида номзодлик диссертация ҳимоя қилинган. Бу ишда ҳозирги кун ибораси билан аталадиган «гибрид» амалиётлар ўз ифодасини

МЕҲНАТЛАРИ ХАЛҚАРО МИҚЁСДА ЭЪТИРОФ ЭТИЛАЁТГАН ЎЗБЕК АКАДЕМИГИ

Жорий йилнинг 21 июнь кунини Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, Ўзбекистон ва Россия Фанлар Академияси академиги, тиббиёт фанлари доктори, профессор, Шавкат Ибрагимович Каримов 80 ёшини қарши олади

топган. Оёқлар критик ишемияси ҳамда диабетик оёқли беморлар даволаш натижаларини яхшилашга қаратилган жуда катта ишлар амалган оширилди. Бунда Ўзбекистонда илк маротаба узоқ давом этувчи артерия ичи катетер терапияси қўлланилган. Айниқса, қандли диабет юзасидан амалга оширилган ишланмалар жуда қизик ва самарали ҳисобланган. Оёқ кафти пай-синовиал мажмуаларини ўрганиб, оёқлар диабетик гангренага шикастланган зона турли хил участкаларида проксимо-дистал мироб тарқалганлик градиентини баҳолаб устоз томонидан ҳар хил турдаги оёқлар таянч вазифасини сақлаб қолишга қаратилган жаррохлик амалиётлари таклиф қилинган.

1984 йилда Шавкат Каримов раҳбарлигида қорин сурункали ишемиясига бағишланган номзодлик диссертацияси ҳимоя қилинади. Унга кўра висцерал сурункали қон айланишининг турли хил кўринишларида ошқозон ва ичакнинг функционал-морфологик ўзгаришлари экспериментда тадқиқ қилинган ҳамда назариётда исботланган ва уларнинг бошчилигида буйрак усти беши генезли артериал гипертензияга оид беморларни диагностикаси ва даволашда катта илмий ҳамда амалий изланишлар амалга оширилди. Буйрак усти беши веноз тармоқлари ўткир эндоваскуляр окклюзияси ва марказий венаси электрокоагуляцияси усули тадбиқ қилинган. Устоз Ўзбекистонда биринчилардан бўлиб сурункали бошмиа қон айланиши етишмовчилиги билан оғриган беморлар каротид артериал хавзасида жаррохлик амалиётларини тарғибот қилди ва амалга оширди. Ушбу амалиётлар охириги йилларда кундалик жаррохлик амалиётларига айланиб қолган бўлсада, кўплаб беморларнинг ҳаётни сақлаб қолиш имконини ҳамда инсулт ривожланишини олдини олишга ёрдам берди. Эътирофлиси шундаки, устоз томонидан шижоатли, ўз мақсадига интилувчан шогирдлар ва юқори малакали хирурглардан иборат катта хирургик мактаб яратилди. У ва унинг мактаби томонидан тарқалган йирингли перитонит, қон то-

мир, торакал патологиялар муаммоларининг устувор йўналишлари, қандли диабетнинг хирургик жиҳатлари яратилди. Механик сариқлик, профуз қон кетиши билан асоратланган портал гипертензияга бағишланган тадқиқотлар Ўзбекистондан ташқарида ҳам тан олинган. Бугунги кунда клиникада кам инвазив амалиётлар фаол ишлаб чиқарилмоқда ҳамда кенг қўлланилмоқда.

Айниқса, профессор Шавкат Каримовнинг ёрқин иқтидори – олим ва ташкилотчилиги унинг 1989-1998 йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири лавозимида ишлаган йиллари намоён бўлди. Республикада

дам кўрсатиб келмоқда. Шавкат Ибрагимовичнинг бевосита ўзи иштирокида йиллик жадвал асосида барча вилоятлар кўп тармоқли шифохоналар шароитида тиббий кўриклар ҳамда жаррохлик амалиётлари ўтказилиниб борилмоқда. Ҳозирги кунда марказ фаолиятни тўлақонли бажариб келмоқда ва 6000 дан зиёд уйқу артерияларида реконструктив амалиётлари тажрибасига эга. 1993 йили илм-фан, амалий ва педагогик фаолияти билан мамлакатимиз тараққиётига қўшган муносиб ҳиссаси инobatга олиниб устоз Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган Фан арбоби Давлат мукофотига сазовор бўлди. 1995 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси академиги этиб сайланди. Шунингдек, халқаро майдонда Жаҳон илм-фанига қўшган ҳиссаси учун 1996 йилда Америка халқаро фанлар академияси фахрий академиги унвонига, шу йили хирургия фани тараққиётига қўшган улкан ҳиссаси учун Россия Фанлар академияси Н. Пирогов номидаги мукофотига сазовор бўлди. Устоз 2000 йили Халқаро гепатопанкреатобилиар хирургия ассоциацияси аъзоллигига сайланди. Шунингдек шу йилнинг ўзида гепатология соҳасида тиббиёт илм-фанига ва хирургия амалиёти ривожига қўшган улкан ҳиссаси учун Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги хирург-гепатологлар ассоциацияси фахрий аъзоси сифатида эътироф этилди. Устоз 2001 йилда Россия тиббиёт Фанлари Академияси академиги этиб сайланди ҳамда 2003 йилда А. Вишневский номидаги медал билан тақдирланди. Академик Шавкат Каримов - 800 дан ортиқ илмий ишланмалар муаллифи ҳисобланади: 32 та монография, 7 та дарслик, 45 та методик тавсиялар шулар жумласидандир. Унга 80 дан зиёд хирургиянинг кўплаб йўналишлари бўйича ихтиро учун муаллифлик гувоҳномалари тегишли. Унинг раҳбарлигида 27 тиббиёт фанлари доктори ҳамда 63 тиббиёт фанлари номзодлари тайёрланди. Шавкат Каримов кўплаб республика ва халқаро илмий анжуман, симпозиумлар ва конгресслар иштирокчиси сифатида мамлакатимиз хирургия тараққиётида эришилган ютуқларни кенг ёйиб келмоқда. Устознинг бевосита раҳбарлигида 30 дан ортиқ турли хил мавқеидаги илмий анжуманлар ўтказилиб келинмоқда.

Шавкат Ибрагимович Каримов ўзининг ушбу қутлуғ юбилейини хирургик беморларнинг диагностикаси ва даволашнинг янги усулларини доимий изланишлари устида катта куч захираси ва ижодий режалари билан қарши олмақда. Шавкат Ибрагимович ҳозирги кунга қадар жаррохлик амалиётларини бажаришни яхши кўради ва ҳар кун кўп соатли реконструктив амалиётларни мунтазам бажариб келмоқда. Устоз кўп сонли касбдошлари, минглаб беморлари ва шогирдларининг юксак ҳурмати ва эътиборига эга бўлиб келмоқда.

Биз республикамизнинг барча ҳудудларида ва хорижда фаолият кўрсатаётган устознинг кўплаб профессор-ўқитувчи олим шогирдлари, устозимизнинг таваллуд кунлари ва муборак ёшлари билан чин калбимиздан табриклаймиз. Биз ва халқимизнинг бахтига соғ омон бўлиб яна кўп йиллар улуг устоз сифатида юртимиз тиббий илмини юксакларга кўтариб юришларини тилаб қоламиз.

Тошкент тиббиёт академияси,
I-сонли факультет ва госпитал хирургия кафедраси,
Республика ихтисослаштирилган хирургик ангионеврология маркази, ҳамда барча шогирдлари.

БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИ ОЙЛИГИ

БУХОРО ВИЛОЯТИ

ИНСОНЛАРИ ҚАДР ТОПГАН ЮРТ

Жорий йил 7 июндан 7 июлига қадар Соғлиқни сақлаш вазирилигининг ташаббуси билан бўлиб ўтадиган мазкур акция давомида сурункали ва оғир хасталикларга чалиниб, тиббий ёрдамга мухтож бўлган бемор болалар чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилмоқда.

– Статистик маълумотларга назар солсак, бугунга келиб Вобкент туманида истиқомат қилаётган 45 минг 853 нафар боладан 3 минг 181 нафари диспансер назоратига олинган. Улардан 303 нафаридан ногиронлик мавжуд, – дейди вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармасининг жамоатчи-



салхонасига ётқизилган бўлса, 5 нафар болага туман касалхонасига даволаниш учун йўлланма берилди. Тиббий кўрикда шунингдек, 492 нафар болага амбулатор даво муолажалари тавсия этилди.

Ромитан туманидаги чуқурлаштирилган тиббий кўрик 22-сонли мактабгача таълим муассасаси болажонларининг шўх кўшик ва рақслари билан ўзгача тус олди. Кўриikka келган ота-оналар учун соғлом овқатланиш, 5 ёшгача бўлган болаларни тўғри парваришlash ва овқатлантиришга доир кўргазмалар тайёрланиб, тарғибот ва ташвиқот ишларига алоҳида эътибор қаратилди. Болалар учун дам олиш майдончалари ташкил этилди.

Айни кунда Ромитан тумани аҳолисининг жами 48 минг 354 нафар вояга етмаган болаларидан 5 минг 452 нафари диспансер назоратига олинган, – дейди **Маъмураҳон Сафоева**. – Улар-

нинг 429 нафаридан ногиронлик мавжуд. Кўп тармоқли марказий поликлиникада ташкил қилинган болалар тиббий кўригида жами 387 нафар бола тор доирадаги мутахассислар текширувидан ўтказилди. Уларнинг 126 нафари жисмоний имконияти чекланган ёки ногиронлиги бўлган норасидалар ҳисобланади. Шу куни “Самосий” маҳалла фуқаролар йиғини Комкўч кишлоғида яшовчи, 2011 йилда туғилган Алишер Наврўзов ҳам юқоридаги каби туғма юрак қон-томир соҳасидаги етишмовчилик – ТЮН ташҳиси билан республика кардиохирургия марказига даволаниш учун йўлланма асосида юборилди. Қолаверса, 12 нафар болага туман касалхонасига даволаниш учун йўлланма берилди. 375 нафар болага амбулатор даво муолажалари тайинланди. Болалар саломатлиги ойлиги акцияси вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида ўтказилади.



Зарур ҳолда бемор болаларни даволаш билан бирга жарроҳлик амалиётлари амалга оширилмоқда. Акцияда давтавл патронаж ва амалиёт хамширалари томонидан ўз худудидаги диспансер назоратида турган ҳамда ногиронлиги бўлган болалар базаси шакллантирилган бўлиб, ойликда улар махсус тиббий бригадалар томонидан текширувларга жалб қилинмоқда.

Бу муҳим жараёнга шаҳар ва туманлар тиббиёт бирлашмаларининг кўп тармоқли марказий поликлиникалари мутахассислари бириктирилган. Оилавий поликлиника ва шифокорлик

пунктларида тиббий кўриклар ташкил этилмоқда. Ойлик давомида хонадонларда тиббий-диагностика муолажалари амалга оширилиши белгиланган. Тиббий кўриikka тиббиёт бирлашмасининг малакали тор соҳа мутахассислари жалб этилмоқда. Аҳамиятли жиҳати, ойликда ҳар бир бола саломатлигини тиклаш ва мустаҳкамлаш чоралари кўрилиб, улар учун алоҳида соғломлаштириш дастурлари тузилмоқда. Саломатлик ойлиги акцияси доирасидаги чуқурлаштирилган тиббий кўрик Бухоро вилоятининг Вобкент, Ромитан ва Бухоро туманларида бўлиб ўтмоқда.

лик билан ишлаш шўъбаси раҳбари **Маъмураҳон Сафоева**. – Ўтказилган тиббий кўрикда эса жами 591 нафар бола тор доирадаги шифокор-мутахассис кўригидан ўтказилди. Яқунда “Кўқин” маҳалла фуқаролар йиғини, Кўқинча кишлоғида 2021 йил 2 августда туғилган қизалоқ Муслима Зариповада туғма юрак қоринчалараро-бўлмачалараро тўсиқ нуқсонни борлиги боис республика кардиохирургия марказига даволаниш учун йўлланма асосида юборилди. Худди шундай, 3 нафар бола ётиб даволаниш учун вилоят ка-

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Қорақалпоғистонлик болаларда лапароскопик усулда урологик жарроҳлик амалиётлари ўтказилмоқда. Соғлиқни сақлаш вазирилиги томонидан юртимиз бўйлаб “Диспансер назоратида турган ҳамда ногиронлиги бўлган болалар саломатлиги ойлиги” ўтказилаётгани хақида хабар берган эдик.

БЕҒУБОР ҚАЛБЛАРГА НАЖОТ БАҲШ ЭТИБ...



Акция доирасида худудларда малакали мутахассислар иштирокида тиббий кўриклар ташкил этилиб, бемор болаларда юқори технологияли операциялар бажариляпти. Хусусан, шу кунларда Болалар миллий тиббиёт маркази ҳамда Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиб-

биёт марказининг бир гуруҳ етакчи шифокорлари олис Қорақалпоғистон Республикасида бўлиб, диспансер назоратида турган ва ногиронлиги бор болаларни тиббий кўриклардан ўтказмоқда.

– Республиканинг 16 та тумани 7 гуруҳга ажратилиб, жойларда тиббий текширувлар ташкил этиляпти, – дейди марказ директори **Мақ-**

суд Саидов. – Хўжайли ва Чимбой туманларида тиббий кўриклар ўтказдик.

Акция давомида беморлар тиббий ёрдамга мухтожлик даражасига кўра таснифланиб, кўрсатиладиган тиббий хизмат ҳажми туман, вилоят ва республика миқёсида белгилаб олинмоқда. Шунингдек, мураккаб жарроҳлик амалиётлари талаб



этиладиган бемор болалар сараланиб, Қорақалпоғистон Республикаси болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази ва Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг худуддаги филиалида пойтахтлик шифокорлар бошчилигида юқори технологияли операциялар ўтказиляпти.

– Куни кеча Қорақалпоғистон тиббиёти тарихида илк бор бемор болада лапароскопик пиелопластика операцияси бажарилди, – дейди **Мақсуд Саидов**. – Шунингдек, кичик ёшли беморда биринчи марта оғиз бўшлиғи шиллик қаватидан графт олиниб, гипоспадияни оғир турида Враска амалиёти ўтказилди. Аҳамиятлиси, ушбу жарроҳлик муолажалари таънага тиг теккизмасдан, ки-

чик кесмалар орқали кам инвазив йўл билан амалга ошириляпти.

Шунингдек, марказимизда пойтахтимиз ва маҳаллий мутахассисларимиз иштирокида пешоб йўллари тананинг ташқарисида жойлашиши туғма нуқсон билан дунёга келган 2 кунлик чақалоқда жуда оғир (экстрофия-эписпадия комплекси) CPRE операцияси муваффақиятли ўтказилди, – дейди **Қорақалпоғистон Республикаси болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бош шифокори Алима Маткаримова**.

Бундан ташқари, 20 дан ортиқ ЛОР, 10 га яқин кардиологик ва нейрохирургик амалиётлар, жами 100 дан зиёд мураккаб операцияларни бажариш кўзда тутилган. Энг муҳими, мазкур амалиётлар давлат ҳисобидан бепул ўтказилади. **Акция давом этмоқда.**

“Болалар саломатлиги ойлиги” акцияси материалларини журналист Ибодат СОАТОВА тайёрлади.

РЕФОРМЫ ЗДРАВООХРАНЕНИЯ

Алкоголь, наркотики и психотропные вещества употребляются для развлечения, а не по медицинским показаниям. А последствия всем известны. Следовательно, вопросам борьбы с ними придается огромное значение, как на уровне общества, так и в масштабах каждой семьи.

Беспорядочное злоупотребление наркотических и психотропных веществ, пьянство выматывает и самого больного и всех, кто его окружает. Уговоры, угрозы, скандалы не помогают, а часто имеют обратный эффект, ведь у того, кто употребляет, всегда есть оправдания. В результате организм человека разрушается, происходит полная деградация, которая зачастую заканчивается летальным исходом.

Человеку с зависимостью от психоактивных веществ однажды понадобится срочная медицинская помощь. И здесь всегда готовы протянуть руку специалисты Ташкентского областного филиала Республиканского специализированного

ликов, наркоманов и токсикоманов имеется 175 койко-мест. 155 из них расположены в филиале, 20 – в психоневрологическом диспансере города Чирчика. В филиале работают отделения добровольного и принудительного лечения, а также диспансерное отделение. Кроме того, в многопрофильных поликлини-

мыслить и принимать решения. Функциональное состояние мозга определяется на основе использования аппаратов ЭЭГ, ЭхоЭГ, ангиографии, КТ, МСКТ, УЗИ и других.

Основными целями лечения от употребления психоактивных веществ являются: подавление патологического лечения, дости-

тельную работу среди населения. За прошедший период текущего года в районах и городах области прочитано около 240 лекций, проведено свыше 90 встреч и «круглых столов» на государственных предприятиях и учреждениях, махаллях, школах и поликлиниках. Организуются диалоги на телевизионных каналах, публикуются статьи на страницах периодической печати.

На основании постановления главы нашего государства от 16 мая 2022 года «О дополнительных мерах по дальнейшему совершенствованию системы оказания наркологической помощи населению» от 16 мая 2022 года «О дополнительных мерах по дальнейшему совершенствованию системы оказания наркологической помощи населению» в 2023 году в филиале создано 60 дополнительных койко-мест. Завезены современные виды медицинского оборудования (УЗИ, ЭКГ, биохимический и гематологический анализаторы). Двое врачей прошли курсы повышения квалификации в Российской Федерации.



ИЗБАВЛЯЯ ОТ ВЛАСТИ
ЗЕЛЕНОГО ЗМИЯ



научно-практического медицинского центра наркологии.

– Мы обладаем достаточным опытом по профилактике и лечению алкоголиков, наркоманов и токсикоманов, – **рассказывает главный врач филиала, главный нарколог Ташкентской области Ахил Газиев.** – Наши специалисты в области психиатрии, наркологии и психотерапии организуют лечебно-реабилитационные мероприятия и исследования. Пациенты имеют доступ к эффективным достижениям ме-

дицины, передовым методам диагностики, современному медицинскому оборудованию и апробированным способам терапии. Диагностика и лечение в филиале осуществляется на основе био-психо-социальной модели, что позволяет реализовать индивидуальный подход в ведении каждого клинического случая и планировать терапевтические и профилактические вмешательства в соответствии с актуальным профилем проблем пациента.

В Ташкентской области для стационарного лечения алко-

гах районов и городов открыты кабинеты наркологов.

В филиале трудятся 13 врачей, пятеро из них – наркологи. В дальнейшем этот показатель будет увеличиваться. За первые пять месяцев текущего года ими пролечено 678 больных, 15 из них – женщины.

Специалистами применяются медикаментозные и психотерапевтические методы лечения, активно применяется трудотерапия. В ходе диагностики врачи беседуют с пациентами, ведут наблюдения, исследуют их память, внимание, способность

жение стойкой, длительной ремиссии, а также восстановление нормативного статуса больного, реинтеграция в общество.

Врачи и специалисты филиала проводят широкую разъяс-

На данное время из числа больных употребляющих психоактивные вещества больше всего обращаются лица, употребляющие прегабалин и тропикамид.

Если вы хотите получить необходимую информацию, обращайтесь по телефону доверия Ташкентского областного филиала Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра наркологии: (55)-901-46-98

Хамидулла УБАЙДУЛЛАЕВ.

•ФВВ ОГОҲЛАНТИРАДИ•

БОЛАЛАРНИ УЙДА ЁЛҒИЗ ҚОЛДИРМАНГ

Болаларнинг шўхлиги билан боғлиқ бўлган ёнғинларни келиб чиқишига асосий сабаблардан бири ота-оналарнинг ўз фарзандларига бўлган эътиборсизликларидир.

Хар бир ёнғин инсон ҳаёти, уларнинг яқинларига хавф солиши ва кўп машаққатлар эвазига бунёд этилган уй-жой ва мол-мулкларини бир зумда ёниб кетишига олиб келиши мумкин. Шу боис, болалар билан боғлиқ ёнғин ҳодисаларининг олдини олиш, болаларни олов билан ўйнаши, ёнғин содир бўлиши-

га йўл қўймастик мақсадида олов билан боғлиқ уй юмушларини буюрмасликка, болалар олдида тамаки чекмаслик ва улар олдида оловли ишларини бажармаслик электр розеткалар тешиқларини махсус пластик қопламалар билан беркитиб қўйиш, болаларга оддий ёнғин хавфсизлиги

қоидаларига риоя қилишлари юзасидан доим тушунчалар бериб бориш ва болалар билан ёнғин вақтида ҳаракатланиш тартиблари бўйича машғуллар ўтказиш, уйда ёнғин содир бўлганда болалар хона ичида қолиб кетмасликлари, оғирча ва шкаф ичида ёки кроват тагида беркинмасликларини тушунтириб бориш зарур. Шундай экан, ёнғин содир бўлган ҳолатлардаги талабларни ҳам болаларга уқти-



риб бориш керак. Бунинг баробарида ота-оналар фарзандларини жавобгарликни ҳис қилишга ўргатиш, улар билан олов ва унинг хусусиятлари, ёнғиннинг келиб чиқиш омиллари борасида ҳаётий мисоллар асосида суҳбатлар ўтказиб туриш, олов ҳақида тушунчалар бериб бориш муҳимлигини унутмасликлари лозим.

Ихтиёр ЎКТАМОВ,
Қорасув Қароргоҳи Давлат
Резиденцияси ЁХТТЭБ ЁН ва ПБ
мутахассиси, катта сержант.

ДОПОЛНЕНИЕ № 1

к Тендерной документации закупку медицинского оборудования для Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра (РСНПМЦ) Урологии и Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра (РСНПМЦ) нефрологии и трансплантации почки и их областных филиалов
МКТ №: UP/ICB/20/01

Проект: «Оснащение медицинских учреждений Республики Узбекистан, оказывающих урологическую и гемодиализную помощь»

Ссылка: Заемное соглашение между Кувейтским фондом арабского экономического развития (КФАЭР) и Правительством Республики Узбекистан (№ 938)

Дата: 13.06.2023 г.

Настоящее Дополнение выпускается для внесения поправок в тендерную документацию по вышеупомянутому проекту и должно рассматриваться как её неотъемлемая часть. Если положения данного дополнения отличаются от положений исходной тендерной документации, настоящее Дополнение имеет преимущественную силу. УЧАСТНИКИ ТОРГОВ ДОЛЖНЫ УЧИТЫВАТЬ ДАННОЕ ДОПОЛНЕНИЕ ПРИ ПОДГОТОВКЕ СВОИХ ТЕНДЕРНЫХ ПРЕДЛОЖЕНИЙ.

1. За исключением пунктов, указанных ниже, исходная тендерная документация остается неизменной. В Тендерную документацию вносятся следующие поправки и/или изменения:

Раздел III. Тендерная информация

Ссылка на пункт	Исходное положение тендерной документации	Поправки в положения тендерной документации	
ИУТ 19.1	Конечный срок подачи предложений: Дата: 29.06.2023 года Время: 15:00 (Ташкентское время) Тендерные предложения, представленные через электронную почту или факс не будут приняты на рассмотрение.	Конечный срок подачи предложений: Дата: 14.07.2023 года Время: 11:00 (Ташкентское время) Тендерные предложения, представленные через электронную почту или факс не будут приняты на рассмотрение.	
ИУТ 22.1	Время и дата вскрытия предложений: Дата: 29.06.2023 года Время: 15:30 (Ташкентское время) Место вскрытия предложений: Офис Группы реализации проекта (ГРП) «Оснащение медицинских учреждений Республики Узбекистан, оказывающих урологическую и гемодиализную помощь» при Министерстве здравоохранения Республики Узбекистан Адрес: Здание Центра развития профессиональной квалификации медицинских работников (бывш. ТАШИУВ) Республика Узбекистан, 100007 г. Ташкент, ул. Паркентская, 51, 3-этаж, комната 5	Время и дата вскрытия предложений: Дата: 14.07.2023 года Время: 11:30 (Ташкентское время) Место вскрытия предложений: Офис Группы реализации проекта (ГРП) «Оснащение медицинских учреждений Республики Узбекистан, оказывающих урологическую и гемодиализную помощь» при Министерстве здравоохранения Республики Узбекистан Адрес: Здание Центра развития профессиональной квалификации медицинских работников (бывш. ТАШИУВ) Республика Узбекистан, 100007 г. Ташкент, ул. Паркентская, 51, 3-этаж, комната 5	
Раздел VII Лот 19. поз. 19.1.	2.2. Качество сверхчистой воды должно быть совместимо с маркой и моделью аппаратов для гемодиализа в соответствии со стандартом ISO 13959 для воды для гемодиализа и связанных с ним методов лечения.	2.2. Качество сверхчистой воды должно быть совместимо с маркой и моделью аппаратов для гемодиализа в соответствии со стандартом ISO 23500 для воды для гемодиализа и связанных с ним методов лечения.	
Раздел VII Лот 3. поз. 3.2.	3.10. Провод монтажный	3.10. Провод монтажный - марка не имеет значения, требуемая длина не менее 500 метров.	
	3.11. HDMI кабель, не менее	3.11. Кабель HDMI, не менее 50 метров	
	3.12. Кабель UTP 5e Cat, не менее	3.12. Кабель UTP 5e Cat, не менее 500 метров	
	3.14. Потолочный кронштейн, не менее	3.14. Потолочный кронштейн, для крепления потолочной камеры.	
Раздел VII Лот 20. поз. 20.2.	1.1. Инфракрасный детектор воспринимающий наличие тест пробирок и автоматически запускающий встряхивание без необходимости давления	1.1. Удалить пункт 1.1.	
Раздел VII Лот 10. поз. 10.1.	1.2. Встроенный Морцеллятор (возможность подачи отдельной системы)	1.2. Морцеллятор (встроенный или автономный блок)	
	1.10. Оборудование должно быть новым, выпущенным не ранее 2022 года	1.10. «Оборудование должно быть новым, дата изготовления 2023 г.»	
	3.3. Регулировка энергии в импульсе излучения для 2.1 мкм, в диапазоне не уже чем от 0,2 до 6 Дж	3.3. Регулировка энергии в импульсе излучения для 2.1 мкм, в диапазоне не уже чем от 0,2 до 5 Дж	
	3.6. Длительность импульса 150 - 1,700 µs	3.6. Длительность импульса не менее от 150 до 1100 µs	
	4.4.3. Лезвия 350 мм	4.4.3. Длина лезвия должна составить не менее 250 мм	
	4.4.5. Лезвия 400 мм	4.4.5. Длина лезвия должна составить не менее 350 мм	
Раздел VII Лот 10. поз. 10.3.	5.2. перепад давления (-0.5) – (-0.9) бар	5.2. Удалить пункт 5.2.	
	1.2. Длина волны рабочего излучения, мкм	1.2. Длина волны рабочего излучения, мкм	1,97 ±0,05
	1.4. Максимальная выходная мощность для 1,94 мкм, Вт	1.4. Максимальная выходная мощность не менее	120Вт
	1.8. Длительность импульса, мс	1.8. Длительность импульса от 50 мс и более длинный импульс или лучший диапазон	соответствие
	1.9. Регулировка энергии в импульсе излучения для 1,94 мкм, Дж (кроме «Расширенного режима»)	1.9. Регулировка энергии в импульсе излучения для 1,94 мкм, Дж в диапазоне от 0,03 до 8	соответствие
	1.14. Потребляемая мощность, Вт	1.14. Потребляемая мощность, Вт	не более 4000
	1.16. Максимально время активации (вкл) рабочего цикла 60 мин	1.16. Удалить пункт 1.16.	
	1.17. Минимальное время деактивации (выкл) рабочего цикла 15 мин	1.17. Удалить пункт 1.17.	
2.18.3. Рукоятка, шт: - Осциллирующий режим для шейверных насадок: возвратно-поступательные движения, частота вращения в диапазоне от 200-6000 об./мин. - Частота колебаний инструмента 2 Гц. Статический вращающий момент 200 Мн*м - Прямые рабочие вставки, свободно поворачиваемые на 360°, - Замок LOCK для фиксации шейверных насадок не менее 1 - пригоден для чистки в моющих машинах и автоклавируемый при 134 °C - Лезвие морцеллятора - диаметр не менее 5 мм, длина не менее 350 см, прямое, четырехугольная форма режущего окна, окно во внешней трубке с насечками, внутренняя трубка с двойным открытием и насечками, агрессивное, многоразового использования (стерилизуемое). -4 шт - Соединительный кабель, многоразовый 3м - 1шт	2.18.3. Рукоятка, шт: - Осциллирующий режим для шейверных насадок: возвратно-поступательные движения, частота вращения в диапазоне 600-2500 об/мин. /мин или выше. - Частота колебаний инструмента не менее 2 Гц. - Прямые рабочие вставки, свободно поворачиваемые на 360°, - пригоден для чистки в моющих машинах и автоклавируемая - Лезвие морцеллятора - диаметр не менее 4 мм, длина не менее 250 см -1 шт. - Лезвие морцеллятора - диаметр не менее 4 мм, длина не менее 350 см -1 шт. - Соединительный кабель, многоразовый 3м - 1шт	не менее 1	
Раздел VII Лот 2. поз. 2.7. (Тип N)	1.6. Программирование режима работы для применения при анестезии – TIVA и TCI	1.6. Программирование режима работы для использования в анестезии - TIVA или TCI	
Раздел VII Лот 2. поз. 2.7. (Тип U)	1.5. Программирование режима работы для применения при анестезии – TIVA и TCI	1.5. Программирование режима работы для использования в анестезии - TIVA или TCI	
Раздел VII Лот 17. поз. 17.1.	3.4.2. Разрешение не менее: 3840 x 2160 пикселей	3.4.2. Разрешение не менее: 1280 x 1024 пикселей	
Раздел VII Лот 16. поз. 16.2.	3.5. Гель для ультразвукового исследований Aquasonic 68 кг в год (204 кг за 3 года)	3.5. Гель для ультразвукового исследований 68 кг	
Раздел VII Лот 16. поз. 16.2.	3.4. Термобумага для видеопринтера 2000 метров в год (6000 метров за 3 года)	3.4. Термобумага для видеопринтера 6000 метров	

УЧАСТНИКИ ТОРГОВ ДОЛЖНЫ ПОДТВЕРДИТЬ ПОЛУЧЕНИЕ НАСТОЯЩЕГО ДОПОЛНЕНИЯ ОФИЦИАЛЬНЫМ ПИСЬМОМ, ОТПРАВЛЕННЫМ НА ЭЛЕКТРОННУЮ ПОЧТУ ПО НИЖЕУКАЗАННОМУ АДРЕСУ:

Группа реализации проекта (ГРП) «Оснащение медицинских учреждений Республики Узбекистан, оказывающих урологическую и гемодиализную помощь» при Министерстве здравоохранения Республики Узбекистан

ВНИМАНИЮ: И. о. Руководитель ГРП, **Музаффар РАСУЛОВ**
Республика Узбекистан, 100007 г. Ташкент, ул. Паркентская, 51
Тел.: 99871-268-08-19, +998712677347, +998712682539, (доп. 109)
Эл. почта: kfaed.urology@gmail.com

ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК

Давлатимиз раҳбарининг ҳар бир соҳа йўналишига қаратаётган эътиборлари боис, мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида ҳам катта ўзгаришлар бўлиб, асосий мақсад, инсон саломатлиги ва унинг қадрига қаратилганлиги билан муҳим аҳамият касб этмоқда.

БОЛАЖОНЛАР ҚАЛБИГА ЙЎЛ ТОПИБ...

Хусусан, соҳада аҳоли соғлигини муҳофаза қилиш мақсадида вазирликнинг ташаббуси билан ўтказилаётган тадбирларнинг янада бардавом бўлаётганлиги бу албатта, тизимнинг асосий вазифаларидан бири эканлиги ёрқин намоён бўлмоқда. Айниқса, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ташаббуси билан жорий йилнинг 7 июнидан 7 июлига қадар мамлакатимизда “Касаллиги бўйича

диспансер назоратида турган ҳамда ногиронлиги бўлган болаларни соғломлаштириш ойлиги” тадбирининг айни кунларда юртимиз бўйлаб давом этаётганлиги, бу албатта, болажонларимиз саломатлигига бўлган эътибор ва ғамхўрликдир. Қуни кеча ассоциациямиз фаоллари билан пойтахтимиздаги У. Қурбанов номидаги Республика болалар руҳий-асаб касалхонасида даволаётган болажонлар ҳолидан хабар



олдик. Бир сўз билан айтганда шифо масканида даволанувчилар учун барча шароитлар тўлиқ яратилган. Шунингдек, болажонларнинг даво муолажалари янги ёндашувлар асосида олиб борилаётганлигини гувоҳи бўлдик. У ердаги фаолиятлар билан чуқур танишар эканмиз, ассоциациямиз томонидан қандай ёрдамлар керак бўлса, тайёр экан-


лигимизни айтиб, болажонлар билан ажойиб тадбир кечасини уюштириб, улар қалбига шодлик улашишга ҳаракат қилдик ва ассоциациямиз номидан совғалар тақдим этдик. Албатта, бу каби эзгу ишлар ва илик меҳр ўз бардавомлигини ҳеч қачон йўқотмайди.

Гулнора УСМАНОВА,
Ўзбекистон ҳамширалар
ассоциацияси раиси.

ЎЗБЕКИСТОН ТИББИЁТИ – ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

Боёвутда ижтимоий аҳволи оғир, хасталиги сабаб "Темир дафтар", "Аёллар дафтари", "Ёшлар дафтари"да турган, аммо, яшаш ҳудудларида жойлашган тиббий хизмат кўрсатиш муассасасиданда олисга чиқа олмаган аҳоли вакиллари учун кўп тармоқли марказий поликлиникада ва шунингдек хонадонбай тиббий кўрик ташкил этилди.

Тиббий кўрик жараёнларига нафақат туман тиббиёт бирлашмаси, вилоят даволаш профилактика муассасаларининг невролог, кардиолог, эндокринолог, уролог, гинеколог, терапевт, лор, офтальмолог, хирург сингари тор доира мутахассислари иштирок этди. Тумандаги "Янги бўстон" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида истиқомат қилаётган Ойсоат Юнусова 1964 йилда туғилган турмуш ўртоғи, аммо ҳеч қандай имтиёзга эга бўлмаган, умрини каттагина қисмини қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожланишга бахшида этган, кекса миришкор, Маманазар Юнусовни саломатлигини тиклаш, юрак билан боғлиқ юқори технологик жарроҳлик амалиётини давлат бюджети ҳисобидан ўтказиб беришни сўраб мурожаат қилди. Унинг бу мурожаатини Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тиббий хизматлар сифатини, стандартлар ва клиник протоколлар ижросини назорат қилиш бошқармасининг тизимдаги тиббий хизматлар

ОҒИР КАСАЛЛИККА ЧАЛИНГАН ФУҚАРОЛАР
УЧУН ТИББИЙ КЎРИК ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

сифатини назорат қилиш бўлими бошлиғи-бошқарма бошлиғи ўринбосари Бекзод Акилов, у бошчилигидаги ишчи гуруҳ аъзолари ўрганиб чиқишди. Мухими, беморни икки томонлама гидроторакс, нисбий аортал етишмовчилиги 3-даражаси. Аорта клапин ўнг камари перфорацияси сабаб, уни кўпдан буён туш соҳасидаги ачишиш, нафас етишмовчилиги, чарчаш,

юрак тез-тез уриши, кучли бош оғриғи, қорин дам бўлиши, йўтал, умумий ҳолсизланиш аломатлари қийнаб келган. Энг ёмони, сўнги вақтларда унинг аҳволи сезиларли даражада ёмонлашган. Аммо бемор, ушбу касаллиги сабаб вилоят ва республика миқёсидаги турли даражадаги даволаш профилактика муассасаларда даволанган. Лекин, у қутилган натижани бермаган. Сўнги текширув, му-

даги амалиётни ўтказиш олмаган. Ижтимоий аҳволи оғирлиги сабаб, туман ҳокимлигига, маҳалла фуқаролар йиғинига ёрдам сўраб мурожаат қилган. Бироқ, ижобий натижага эриша олмаган.

Хуллас, унинг юрак, юрак соҳаси билан боғлиқ муаммоси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ишчи гуруҳи аъзолари томонидан атрофлича ўрганиб чиқилди. Вилоят, Республика мутахассис-

утда ўтказилган тиббий кўрик жараёнларига 300 га яқин, саломатлик кўрсаткичи бўйича юқори хавф гуруҳига мансуб фуқаролар мурожаат қилган бўлса, хасталиги сабаб уйда ётиб қолган 10 дан ортик фуқаролар хонадонда хонадонбай тиббий кўриклар ташкил этилди.

Тиббий кўриқнинг ўзида, 6 нафар фуқаро стационар шароитда даволаниш учун туман ва вилоят миқёсидаги даволаш профилактика муассасаларига ётқизилган бўлса, 8 нафар фуқарога вилоят ва туман миқёсида жарроҳлик амалиётини ўтказиш учун, 32 нафар фуқарога туман, вилоят, республика миқёсидаги

тахассислар маслаҳатига кўра унда юрак билан боғлиқ юқори технологик амалиёт зарур. Ушбу амалиётни фақатгина Тошкентда, Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказида амалга ошириш мумкин. Бунинг учун беморга 47 миллион сўмга яқин пул маблағи керак. Ушбу миқдордаги пул маблағи бўлмаганлиги боис, бемор бу тур-

лари билан маслаҳатлашилди. Шунга қараб, Боёвутлик тиббиёт ходимларга бемор, бемор саломатлиги билан боғлиқ ҳужжатларни умумлаштириш, имтиёзли тоифага кирувчи беморлар сафига ўтказиш, тез ва тезкор юрак, юрак соҳаси билан боғлиқ бўлган юқори технологик жарроҳлик амалиётини ўтказиш юзасидан кўрсатма ва тавсия беришди. Мухими, Боёв-

даволаш профилактика муассасаларида стационар шароитда даволаниш учун йўлланма, даволанишга муҳтож, аммо касаллиги боис узоқ назорат талаб этувчи 180 нафар беморга амбулатор шароитда, шифокор назорати остида даволаниш учун тавсия ва маслаҳат берилди.

Ғулломжон ПРИМОВ.



Газета муассиси:
Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлиги

ISSN 2010-6149.
Электрон манзилими: www.uzssgzt.uz

Бош муҳаррир
Амрилло ИНОЯТОВ
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг пайшанба кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда "O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Zdravooxranenie Uzbekistana" газетасидан олинди деб кўрсатилиши шарт. Таҳририятга келган кўлөзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газета 2009 йил 11 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигига 0015-рақами билан рўйхатга олинган.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи: Нарзулла Ҳамроев
Таҳририят манзили: 100060, Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 30 уй, 2-қават. Тел/факс: (71)233-13-22, тел.: (71)233-57-73.
Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41 уй/Тел/факс: (71)233-11-07.

Газета ҳажми
2 босма табоқ.
Формати А3. Офсет
усулида чоп этилган.

Адади - 761 дона.
Буюртма рақами Г-635.

Босмахонага
топширилиш вақти:
21-00. 3 4 5 6 7
Топширилди 20-00.